



ВАЛЮТА КУРСИ ВА ЎРНАТИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Тошкент давлат иқтисодий университетини

Болтаев Тўлқин Қўзиевич

Мақолада валюта курси, унинг ўрнатилиши ва назарий асослари шунингдек Ўзбекистондаги валюта муносабатларини ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз боради.

Таянч сўзлар: *валюта назариялари, валюта курси, валюта бозори, валюта операциялари, тўғри ва теска котировка, девальвация, ревальвация, тўлов қобилиятлилик паритети.*

В статье рассматривается валютный курс, его установление и теоретические основы, а также особенности валютных отношений в Узбекистане.

Ключевые слова: *валютные теории, валютный курс, валютный рынок, валютные операции, прямые и косвенные котировки, девальвация, ревальвация, паритет платежеспособности..*

The article examines the exchange rate, its establishment and theoretical foundations, as well as the peculiarities of currency relations in Uzbekistan.

Keywords: *currency theories, the exchange rate, the foreign exchange market, foreign exchange transactions, direct and indirect quotes, devaluation, revaluation, solvency parity.*

Валюта курсининг пайдо бўлиши халқаро савдони ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Бирор бир мамлакат йўқки ташқи дунёдан ажралиб иқтисодий фаолият олиб бориш имкониятига эга бўлса. Демак, мамлакат иқтисодий фаолият юритар экан ташқи дунё билан алоқа қилади ва турли хил (иқтисодий, сиёсий ва ҳ.к.) муносабатда бўлади.



Валюта курси ташқи иқтисодий фаолиятни юритишда муҳим восита бўлиши билан бирга мамлакат иқтисодий ривожига ҳам таъсир қилади. Бу таъсир миллий валютанинг юқори кадрли ва барқарор бўлиши ёки аксинча, кадрли пастлиги, нобарқарорлиги билан юзага келади. Миллий валюта барқарорлигини миллий валютанинг чет эл валютасига (асосан етакчи валюталар –АҚШ доллари, евро ва бошқалар) нисбатан курсини ўзгаришига қараб белгилашимиз мумкин.

Валюта курсини белгиланиши қуйидаги мақсадларда зарурдир: товар ва хизматлар савдоси, капитал ҳаракати учун валюталарни ўзаро алмаштиришда; миллий ва жаҳон бозоридаги нарх-навони солиштириш, мамлакатларнинг макроиқтисодий кўрсаткичларини таққослаш мақсадида; фирма ва банкларнинг чет эл валютасидаги маблағларини миллий валютада доимий қайта баҳолаш учун.

Валюта курсини ўрнатиш амалиётда ҳамда қонун ҳужжатлари бўйича котировкалаш дейилади. Халқаро амалиётда котировкалаш икки хил усули мавжуд: **тўғри ва тескари котировка.**

Халқаро савдода баъзан керакли валютани тўғридан-тўғри баҳолаш имконияти булмаслик ҳоллари бўлиши мумкин. Бу ҳолларда **кросс курслар** қўлланилади. Кросс курс деб, икки валютанинг бир-бирга нисбатан курсини учинчи валютадаги курслари орқали аниқланган муносабатига айтилади.

Валюта курсини ўрнатиш валюта олди-сотди операциялари муддатларига ҳамда валютанинг кўринишига боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Валюта олди-сотди битимларида қуйидаги курслар тури ишлатилади.

1. Спот курс – битим тузиладиган кундаги курс бўлиб икки иш куни давомида валюта олди-сотди операцияси амалга оширилади.
2. Форвард (Муддатли курс) – бунда валюта олди-сотди операцияси келишув тузилгандан маълум бир муддатдан сўнг (асосан 1 ойдан 6 ойгача) амалга ошади.

Халқаро валюта тизимнинг ривожланиш босқичларида валюта курслари турлича ўрнатилган ва валюта тизимларининг вужудга келиши, мақсади,



моҳияти, принциплари, вазифалари жаҳон иқтисодий ривожига боғлиқ ҳолда ўзгарган.

Валюта курсини белгилашда ҳар бир мамлакат ўз иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб ҳозирги кунда тадқиқ қилинаётган валюта курси назарияларига суянади. Валюта курси назариялари турли валюталар орасидаги нисбат, унинг омиллар таъсирида ўзгариш даражасини ўрганади.

Валюта курсини ўрнатилиши ҳозирги амалиётда валютанинг тўлов қобилияти паритетига асослангандир. Валюта курси илгари олтин стандарт ва қатъий белгиланган курслар паритети орқали ўрнатилян.

Валюта курсини ўрнатишда тўловга қобилиятлилиқ билан бирга қуйидаги назариялар ҳам қўлланилади.

1. Бошқариладиган валюта назарияси. Бу назария 1929-1933 йиилардаги халқаро иқтисодий кризис даврида, давлатнинг иқтисодиётга аралашмаслиги тарафдорларининг назарияларига қарши ҳолатда вужудга келди. Бунда валюта курси давлат томонидан тартибга солиниш назарияси илгари сурилган.

2. Етакчи валюталар назарияси. Бу назариянинг моҳияти қуйидагиларни эътироф этади:

1) Валюталарни етакчи (доллар ва фунт стерлинг), қаттиқ (бошқа ривожланган мамлакатлар валюталари: Япония йени, Швейцария франки ва бошқалар) ва юмшоқ, яъни халқаро иқтисодий муносабатларда актив бўлмаган валюталарга бўлиниши лозимлиги.

2) Долларнинг олтинга қараганда етакчи ролдалиги

3) Барча мамлакатларнинг валюта сиёсатида долларга таяниши ва уни резерв валюталигини мамлакатнинг миллий манфаатига тескари бўлган тақдирда ҳам қўллаб қувватлаши зарурлиги.

3. Қатъий белгиланган паритет ва курслар назарияси. Бунда тўлов баланси муовазанатини сақлаш учунгина курснинг ўзгаришига йўл қўйилган. Уларнинг фикрича, валюта курсининг ўзгариши – тўлов балансини тартибга солувчи самарали восита эмас, чунки ташқи бозордаги нархларнинг ўзгаришига



валюта курсининг ўзгариши етарлича таъсир қилмайди. Бу назария Бреттон-Вудс тизими принципларида ўз ифодасини топган.

4. Сузиб юривчи валюта курслари назарияси. Бу назариянинг моҳияти қатъий белгиланган валюта курсига нисбатан сузиб юривчи валюта курси режимининг қуйидаги устунликларини асослашдан иборатдир: тўлов балансининг автоматик текисланиши; валюта спекуляциси олдини олиш; халқаро савдони рағбатлантириши.

5. Валюта курси нормативлиги назарияси. Бу назарияга кўра валюта курси иқтисодиётни тартибга солувчи қўшимча воситадир. Бунда эгилувчан курс режими таклиф қилинган бўлиб, бу курсни давлат назорат қилиши лозим. Бу назариянинг норматив назария деб аталишига сабаб, бунда валюта курси паритетга ва халқаро ташкилотлар томонидан белгиланган келишувларга асосланади.

Валюта курсини ўрнатилиш назарияларини тадқиқ қилиш натижасида шуни таъкидлаш жоизки, валюта курси назарий (илмий) муаммо ва давлат иқтисодиётини бошқаришда қўлланиладиган молиявий инструментдир. Шунинг учун валюта курслари назарияларини норматив ва позитив йўналишларга ажратиш лозим. Биринчисида валюта курси давлат инструменти сифатида, иккинчисида эса валюта курси объектив маълумот шаклида тадқиқ қилиниши лозим.